

**Юсупов Нодир Бахриддинович,**

Педагогик инновациялар, профессионал таълим бошқарув ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти директор ўринбосари, мустақил тадқиқотчи

# ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРИНИ КАСБИЙ ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШДА МАХСУС ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ

УДК: 378

DOI: 10.34920/SO/VOL\_2023\_ISSUE\_2\_5

## **ЮСУПОВ Н.Б. ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРИНИ КАСБИЙ ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШДА МАХСУС ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ**

Махсус фанларни ўқитиш методлари ўқувчиларда фаоллик ва мустақилликни шакллантириш, уларнинг ўзаро фикр ва тажриба алмашиш, мустақил ҳолда ўзлаштириш, ветеринария-медицинасига оид турли мураккаб саволлар ва топшириқларни мустақил тарзда янги ечимларини топиш ва ўқув материални мустақил ўрганиш, ижодий изланувчанлигини ривожлантиради. Шу жиҳатдан ҳам ўқитувчи махсус фанларнинг мақсади, вазифаси, мазмуни, методи, шакли ва воситаларнинг ўзаро боғлайди ва ўқувчининг фанни ўзлаштиришда катта ёрдам беради.

Таянч сўз ва тушунчалар: махсус фанлар, ветеринария, метод, муаммоли таълим, компьютер, чорвачилик, ўқувчи.

## **ЮСУПОВ Н.Б. МЕТОДИКА ПРЕПОДАВАНИЯ СПЕЦИАЛЬНЫХ ДИСЦИПЛИН ПРИ ПОДГОТОВКЕ К ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ УЧАЩИХСЯ В ПРОФЕССИОНАЛЬНЫХ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ УЧРЕЖДЕНИЯХ**

Методика преподавания специальных предметов развивает активность и самостоятельность студентов, их взаимный обмен идеями и опытом, самостоятельное овладение ими, самостоятельное нахождение новых решений различных сложных вопросов и задач, связанных с ветеринарией, самостоятельное изучение учебного материала, творческую любознательность. В этом отношении учитель связывает цель, задачу, содержание, метод, форму и средства специальных предметов и во многом помогает ученику в освоении предмета.

Ключевые слова и понятия: специальные науки, ветеринария, методика, проблемное обучение, компьютер, животноводство, студент.

## ***YUSUPOV N.B. METHODS OF TEACHING SPECIAL DISCIPLINES IN PREPARATION FOR THE PROFESSIONAL ACTIVITIES OF STUDENTS IN PROFESSIONAL EDUCATIONAL INSTITUTIONS***

Methods of teaching special subjects develops activity, independence, mutual exchange of ideas and experience, independent assimilation, independent search for new solutions to various complex issues and tasks. In this regard, the teacher connects the goal, task, content, method, form and means of special subjects and in many ways helps the student in mastering the subject.

Key words and concepts: special sciences, veterinary medicine, methodology, problem-based learning, computer, animal husbandry, student.

**Кириш.** Махсус фанларни ўқитишда фойдаланилган интерфаол таълим методларининг вазифалари фан материалларини ўқувчиларга етказиш билан чегараланмай балки уларни кундалик фаолиятда оптимал натижага эришиш, ўқув жараёнини амалга ошириш, тажрибалардан кенг фойдаланиш кабиларнинг мазмунли бўлишини таъминлайди. Шу жиҳатдан ҳам уларни амалга оширишда ўқитувчи ўқувчиларда ветеринария-медицинасига оид муаммоларни тушуниш уларни амалий фаолиятда татбиқ этиш билимига эга бўлишиларини ташкил этиши ва тайёрлаши, машғулотларни юқори савияда бўлишини таъминлайди. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, меҳнат бозори талабларига мос юқори малакали кадрларни тайёрлаш, таълим сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш, инновацион илм-фан ютуқларини амалиётга татбиқ этишнинг самарали механизмларини яратиш орқали мамлакатда таълим тизимини ислоҳ қилиш бўйича изчил ишлар амалга оширилмоқда<sup>1</sup>. Шунинг учун профессионал таълим муассасалари ўқувчиларини касбий фаолиятга тайёрлашда махсус фанларни ўқитишда машғулотларни мазмунли ва тушунарли бўлиши учун замонавий усуллардан фойдаланилса инсон онгига янада чуқурроқ кириб боришга ўргатади.

Профессионал таълим муассасаларида 3440100-Ветеринар, кинолог таълим йўналиши ўқувчиларига махсус фанларни ўқитиш мазмуни ва методлари асосида

ўқувчилар чорвачилик комплексларида ёки қўриқхоналарда, отарларда (қора мол, майда шохли ва ҳоқозо) кенг вакцинация, айрим ҳайвонларда диагностика ўтказиш, профилактика қилиш, шошилинич ҳолатларда кенг тарқалган эпидемик касалликлар билан курашиш, жарроҳлик операцияларини ўтказиш, айрим ҳайвонларни даволаш, ҳайвонларни туғдириш, ҳолсизланган бузоқларни парвариш қилиб, тузатиш ва яшашга лаёқатсизларини ухлатиб қўйиш, ветеринар - санитар эксперти вазифасини бажариш, ветеринария клиникасида (ҳайвонлар шифохонасида) - касал ҳайвонларни кўздан кечириш ва диагностика қилиш, таҳлил учун қон, ахлат, сийдик олиш, касал ҳайвонларни даволаш учун дори-дармон танлаш, жарроҳлик операцияларни ўтказиш, ахталаш, тузалмайдиган ҳайвонларни ухлатиб қўйиш. Агар ҳайвонлар шифохонаси ветеринария академияси ёки илмий текшириш институти ҳузурида ўз фаолиятини олиб борса, чорвачилик комплексларига тез-тез хизмат сафарларини уюштириш; Деҳқон бозорларида ёки қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган озиқ-овқат корхоналарида - қайта ишлашга қўйилган хом ашёдан бактериологик, кимёвий ва бошқа таҳлиллар учун намуналар олиш, тайёрланган маҳсулотларни, ишлаб чиқариш муҳитини назорат қилиш, озиқ-овқат ишлаб чиқариш нормаларига тўла жавоб беришини таъминлаш; санитар ва хавфсизлик меъёрларига риоя қилишни ташкил этиш; Чорвачилик ёки ветеринарияга ихтисослашган илмий текшириш институтларида – ҳайвонларнинг касалликларини даволаш ва олдини олиш, диагностика воситалари ва усулларини ишлаб чиқиш; фарматсевтика фирмаларида - ветеринарияга оид препаратларни, дори-дармонларни ёки озиқ-овқатларни тайёрлаш ҳам ҳайвонлардан насл олиш технологияларини

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги "Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-5812-сон Фармони. - <https://lex.uz/docs/4500926>

ишлаб чиқиш каби касбий компетенцияларини ривожлантиришда интерактив методлар катта аҳамият касб этади.

“Интерактив” сўзи инглиз тилидаги “Interactive” сўздан кириб келган бўлиб, “интер” – “биргаликдаги” ва “аст” – “ҳаракатлиниш”, ўзаро ҳаракат қилиш ёки нима билан (масалан, компьютер билан) ёки ким билан (одам билан) суҳбат, диалог (мулоқот) режимда бўлишни билдиради<sup>1</sup>. Демак, интерактив ўқитиш-бу диалогли ўқитиш бўлиб, унда ўқитувчи ва ўқувчининг ўзаро ҳамкорлиги фаолиятини ташкил қилиш, башорат қилиш мақсадларини амалга оширади. Интрактив ўқитишнинг моҳияти шундан иборатки, унда ўқув жараёнида барча ўқувчилар идрок этиш жараёнига жалб қилинадилар. Улар тушуниш ва билганлари ва ўйлаганлари бўйича рефлекс ҳосил қилиш имкониятларига эга бўладилар.

Тадқиқот мақсади ва усуллари. Махсус фанларни ўқитиш жараёнида АКТдан унумли фойдаланиш ва юқори самарадорликка эришиш учун, аввало, дарсни аниқ лойиҳалаш ва унда технологиялардан фойдаланган ҳолда ўқувчиларга ветеринария-медицинасига оид билимларни кетма-кетлиги асосида тез, аниқ ва тўғри тушунишларига ёрдам беради. Махсус фанлардан топшириқларни АКТ дан фойдаланган ҳолда бажариш жараёнида ўқувчиларнинг фаоллиги ортади ва мураккаб ҳамда кўп вақт талаб қиладиган амалларни бир зумда автоматик тарзда бажарилади. Шунга асосан кейинги йилларда мамлакатда, жумладан ўқув-тарбия муассасаларининг таълим жараёнини компьютерлаштириш (барча ўқув фанларини компьютер ёрдамида ўқитишни йўлга қўйиш) ва компьютер саводхонлигини таъминлаш йўналишида катта ишлар амалга оширилмоқда. Бугун компьютерда ҳисоблаш, ёзиш, ўқиш, ўрганиш, гапириш, сақлаш, чизиш, қайта ишлаш, саралаш, ахборотни олиш ва бирор манзилга юбориш, таҳрирлаш, макетлар тайёрлаш, аудио ва видео яратиш, уйнаш мумкин. Унинг имкониятлари кундан-кунга кўпаймоқда. Компьютер ишда, ўқишда, уйда ва ҳатто дам олишда инсоннинг энг ишончли дўстига айланди. Шунингдек, компьютер олдиндан тайёрланган дастур асосида ўқувчи ўртасида диалогни ўрнатади. Шу нуқтаи назардан компьютер дастурлаштирилган таълимга яқин туради.

Олимларнинг фикри ва тажрибаларнинг кўрсатишича, компьютерлар турли йўналишдаги ахборотларни намойиш этиш имкониятига эга. У дунё миқёсидаги маълумотларни аниқлай ва сақлай олади. Шунинг учун компьютер ахборотни намойиш этишда ўқувчининг муайян ахборотларни қандай даражада ўзлаштирилганлигини билиш учун алоқа ўрната олади. Бунда дастур ўқувчи ўзлаштирган маълумотлар натижасини кўрсата олади ва унга керакли ёрдамни бера олиш имкониятига ҳам эга. Бунда “одам – машина” диалогни амалга ошади.

Компьютер ўқув-тарбия жараёнининг қудратли ва эгилувчан (ўзгарувчан) воситаси экан, бугунги кунда таълимни компьютерлаштириш муҳим ижтимоий-педагогик ҳодиса ҳисобланади. Компьютер ҳар бир ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятларини, ҳар бир фаннинг мазмунини инobatга олган ҳолда дарс жараёнини ахборотлаштиришга ёрдам беради. Натижада, педагогик жараён учун зарур дастурий воситалар, уларнинг методик таълимоти, дастурлаш механизмлари ишлаб, янги ахборотлар тўпланади, сақланади ва ундан фойдаланиш имкониятлари яратилади. Чунки, компьютерлар таълимни ахборотлаштиришнинг энг муҳим воситалари ҳисобланади. Компьютерларнинг яна бир хусусияти таълим муаммоларини ҳал этишга кўмаклашишдир. Чунки, ўқув материали даставвал ўқувчилар учун катта бир муаммодек туюлади. Жуда ўйлаб ишлаб чиқилган ва изланувчанликка йўналтирилган ўқув топшириқлари, уларни ҳал этиш учун такомиллаштириладиган муаммоли вазиятлар компьютер ёрдамида ечилса ўқувчининг қизиқиши ошади. Компьютер орқали билимлар, маълумотларни излаш ва уларни амалда қўллаш, яъни ахборотларни ёзма, ракамли, график, овозли, фото ва видео кабиларни эркин ҳолда қайта ишлаш имкониятини яратади<sup>2</sup>. Шунингдек, компьютерлар ўқувчиларнинг билимларини назорат қилиш, тест топшириқлари ва уларнинг ечими (калити) махсус мосламалар жавоблар (калит сўзлар)ни тез, аниқ ва тўғри кўрсатиши имкониятини яратади. Махсус фанларни ўқитишда ўқитувчининг компьютердан

<sup>1</sup> <https://azkurs.org/akt-va-talim-sifati-v2.html>

<sup>2</sup> Арипжанова М.А. Касб-ҳунар коллежларида махсус фанларни ўқитишга мўлжалланган ахборотли-дидактик воситаларни ишлаб чиқиш технологияси // “Таълим технологиялари” журнали . - Т.: 2015. - № 2. - Б. 11-14.

1-жадвал. Компьютердан фойдаланиш босқичлари

№	Босқичлари босқичлари	Мазмуни
1.	Мавзуларни танлаш	Профессионал таълим муассасаларининг ветеринария йўналишларига оид махсус фан ўқув дастури, дарслик ва ўқув-услубий қўлланмаларнинг мазмун ва моҳияти таҳлил қилинади. Бунда асосий эътибор ўқувчиларнинг ўзлаштиришига эътибор қаратилган.
2	Махсус фанларни ўқитиш мақсади ва вазифаларини белгилаш	Компьютер технологияларидан фойдаланишнинг таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадлари белгиланади. Ўқитувчининг ўқувчилар билан индивидуал ишлашларига имконият яратилади.
3.	Махсус фанлар мазмунининг шакллантириш	Ўқувчилар томонидан ўзлаштирилиши лозим бўлган назарий ва амалий ўқув материаллари компьютер технологиялари воситасида ифодаланади.
4	Махсус фанларни ўқитишни ташкил этиш шакли, амалга ошириш воситаларини танлаш	Мавзулар мазмунига кўра таълимни ташкил этиш шакли, амалга ошириш методи ва воситалари танланади.
5.	Махсус фанларни ўқитиш бўйича топ-шириқлар тизимини ишлаб чиқиш	Ўқувчилар томонидан ўзлаштирилган билим ва кўникмаларини компьютерда аниқлаш малакасини шакллашириш учун мўлжалланган топшириқлар тизими ишлаб чиқилади.
6.	Ўқувчиларнинг ўзлаштирганлик даражасини аниқлаш	Ўқув материали мазмунига мураккаблик даражасига кўра назорат усули танланади. Белгиланган мезон ҳамда меъёрларга кўра баҳоланади. Бунда тестлар, қизиқарли масала ва амалий топшириқлардан фойдаланилади.

фойдаланиш босқичлари ва уларнинг мазмуни 1-жадвалда ифодаланган.


Ўтиладиган мавзулар, ўзлаштириладиган билимларнинг узвийлигини таъминлаш, уларни таҳлил этиш кабилар айнан компьютер воситасида осон қулай таъминланади. Компьютерлар таълим жараёнини сифатли ва тезкорлик билан назорат қилиш, ўқитувчиларга ўқувчилар учун топшириқларни табақалаштириш имконини беради. Ушбу босқичлар махсус фанларни ўқитишда ўқувчиларнинг ветеринар-кинолог мутахассислик билимлари, амалий топшириқларнинг мақсадли тизимли бажариш ҳақидаги фикрлар, ветеринария-медицинасига бўлган қизиқиш каби машқларни бажаришга оид малакалари ва тажрибалари ривожланиди. Махсус фанларни ўқитиш жараёнида ўқувчиларни билим олишга йўналтириш методи ўқув жараёнини ташкил этиш ва амалга ошириш уларда ўқиш фаоллиги, ўз-ўзини бошқариш, мустақил ўрганишни ривожлантиради. Бу метод анъанавий методлардан фарқли равишда ўқувчиларга ўз-ўзини намоён қилишнинг самарадорлигини кўрсатади.

Натижалар ва муҳокамалар Махсус фанларни ўқитиш методлари, биринчи навбатда ўқитувчига ўқувчиларни билим олишга касбий фаолиятга йўналтиради. Ўқитиш методларининг моҳияти шундаки ўқувчилар фан бўйича ўрганаётган билимларини аниқ тасаввур этиш, мазмунини тушуниш, ветеринария-медицинаси фаолиятини фаоллаштиришда муҳим ўрин тутаяди. Махсус фанларни ўқитиш методлари ветеринария-

медицинаси ҳақидаги маълумотларни ўқувчилар онгига етказиш, кўп изланиш муталаа қилиш мутахассисликнинг шаклланиши, бўлғуси ҳаёт йўллари танлаш, таълим мақсади ва вазифаларини амалга оширишда мазмуни ва функциясига қараб танланади. Махсус фанларни ўқитиш методлари таълим жараёнини амалга ошириш, тайёрлаш, ўқув фаолиятига педагогик ишлов бериш, дарсликдаги материалларини янги шаклга олиб кириш, топшириқлар, муаммолар, тестлар, тажрибалар сифатини ривожлантиради. Буларнинг ҳаммаси ўқитувчининг билими, тажрибаси, маҳоратига боғлиқ бўлиб, методлар таълим объектларига ўз таъсирини кўрсатади.

Тушунтириш ва уқтириш методлари ўқувчиларнинг фикрлари, саволлари уларни ветеринария-медицинасига оид янги тушунчаларини ўзлаштиришга олиб келади. Махсус фанларни ўқитишда муаммоликдирув методлари ифодалаш, кўргазмали ва амалиёт ёрдамида ўқувчиларнинг билиш фаолиятини, ижодий изланишида тафаккур ва қобилиятларини ўстиришга дарс мазмунини тўлиқ тушунишга эришиш ва уни ҳал эта олишга ўргатади. Бунда ўқитувчи муаммони кўяди ва уни ечимини ўқувчилар билан биргаликда топади. Бунинг натижасида муаммоли вазиятларни ечишда уни турли нуқтаи назардан ўрганилади ва таҳлил этилади (2-расм).

Муаммоли вазият муаммодан фарқли равишда унга ўқувчини жалб этиш, ўқувчилар томонидан хар бир муаммога оид ечимларини излашлари учун назарий ва амалий билимла-

2-расм. Муаммоли вазиятларни ечиш<sup>1</sup>.3-расм. Муаммоли таълим методи<sup>2</sup>.<sup>1</sup> Муаллиф томонидан тузилган.<sup>2</sup> Муаллиф томонидан тузилган.

рини мустахкамлаш ўқувчиларни ижодкорлик, креативлик маҳоратларини ривожлантиришга эътибор қаратилса уларнинг бу интилишлари билимларни фаол ўзлаштиришга олиб келади. Келгусида ушбу жараёнларни тушуниб олишлари ўқувчиларга мустақил равишда муаммони ифодалай олиш имконини беради (3-расм).

Муаммоли таълим жараёнида муаммоли вазият, муаммо, жуфтликда ишлаш, кичик гуруҳда ишлаш, ишбилармонлик ўйини, баҳс мунозара, методлари қўлланилади ва бу таълим олувчиларда муаммоли вазиятларнинг сабабини ва оқибатларини таҳлил қилиш ҳамда уларнинг ечимларини топиш бўйича кўникма ва малакаларни шакллантиришга қаратилган бўлиб, бунда ўқувчиларни гуруҳларга бўлиш, улар томонидан муаммоли вазиятнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш ва фикр қилиш, унинг ечимини ишлаб чиқиш кабилар амалга оширилади. Демак муаммоли метод ўрганилаётган мавзудаги асосий муаммони ажратиб олиш ва ўқувчилар томонидан мустақил ҳал этилишини таъминлашга хизмат қилувчи технологиялардан бири ҳисобланади. Бунда муаммонинг тури ва сабаблари, кўринишлари, ҳал этиш йўллари белгиланади. Шуни айтиш керакки, ҳар қандай махсус фанлар ўқувчи учун муаммодир. Чунки, махсус фанлар ўқувчига ҳозиргача номаълум бўлган янгилик билан таништиради.

### **Хулоса.**

Талабаларга муаммоли ўқитиш ўқувчининг фикрлаш фаолиятини ўстиради, ҳар нарсани билишга қизиқиш уйғотади. Фаҳм-фаросатли, мустақил ижод қилишга интилиш кабиларини тарбиялашга ёрдам беради. Ушбу методларини амалга ошириш натижасида ўқувчиларда ветеринария-медицинаси касбига бўлган қизиқиш, уларнинг эгаллаган билимига ва тажрибасига асосланган ҳолда масала қўйиш, ҳал этиш, муаммо устида мустақил фикр юритиш, хулоса қилиш, ўз устида ишлаш кабилар билан бирга, меҳнат қилиш, ўқиб-ўрганиш, ҳаётий кузатиш хусусиятлари ривожланади. Бунда ўқитувчи ўқув материални оғзаки баён қилиш, умумлаштириш, бутун дарс ёки машғулотлар жараёнида ветеринария-медицинаси ҳақидаги маълумотларни кўргазмали асосида амалга ошириш, ўқувчиларнинг фикрларини фаоллаштириш, муаммоларни исботлаш, тизимлаштириш каби тушунчаларни ўзлаштиришга олиб келади.

Амалиётга тавсияларимиз ветеринария мутахассислиги бўйича фанларни ўзлаштиришдаги қизиқишларини амалга оширишга қаратилган интерактив муаммоли маълумотлар ечимини топиш методлардан фойдаланиш, компьютер орқали мавзу асосида расмлар, диаграммалар, видеолар билан дарслар ўтилса мақсадга мувофиқ бўлади.

### **Фойдаланлиган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги "Профессional таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-5812-сон Фармони. - <https://lex.uz/docs/4500926>
2. Ишмухаммедов Р.Ж. Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари. - Т.: 2004.
3. Саидахмедов Н. Педагогик маҳорат ва педагогик технология. - Т.: ОПИ, 2003.
4. Голиш Л.В. Файзуллаева Д.М. Педагогик технологияларни лойихалаштириш ва режалаштириш. - Т.: 2010.
5. Арипжанова М.А. Касб-ҳунар коллежларида махсус фанларни ўқитишга мўлжалланган ахборотли-дидактик воситаларни ишлаб чиқиш технологияси // "Таълим технологиялари" журнали. -Т.: 2015. - № 2. - Б. 11-14.